



УДК : 619:636.084

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Тиркашев Латибжон Якубжанович

*Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти,
катта ўқитувчи*

Комилова Мунирахон Қобилжон қизи

*Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти,
тадқиқотчи талаба*

Аннотация. Мақолада хўжаликларда учрайдиган экологик ҳолатлар, уларнинг бузилиш омиллари, унинг натижасида хўжаликларга ва унда сақланаётган қишлоқ хўжалик ҳайвонлари соғлиғига таъсири, бунинг оқибатида хўжаликлар кўраётган иқтисодий зарарлар, экологик вазиятларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: енгил саноат, озиқ-овқат, кимё, фармацевтика, нефтни қайта ишлаш, транспорт, экологик вазият, фауна ва флора, атроф-муҳит, вентиляция, исгази, карбонат ангидрид, азот, водорот сульфит, аммиак, филтёр, хандак, ветеринария-санитария, зоогигиеник, юқумли, юқумсиз.

Кириш. Дунёдаги барча мамлакатларни замонавий саноат технологиялар ривожланиб бораётган даврдаги вазифаларидан бири атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан бирга инсонлар саломатлигини сақлаш ҳисобланади. Барча давлатлар қатори бизнинг мамлакатимиз ҳам бундан мустасно эмас. Республикамиз қишлоқ хўжалигининг ривожланиши натижасида барча саноат тармоқлари, жумладан енгил саноат, озиқ-овқат, кимё, фармацевтика, нефтни қайта ишлаш, транспорт ва бошқалар интенсив ривожланиб бормоқда. Бу тараққиёт ўз навбатида қишлоқ хўжалигида ҳам табиатни муҳофаза қилишга ва инсон соғлигини сақлашга катта эътибор қаратишни талаб қилади. Шунингдек, қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири бўлган чорвачиликда ҳам атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ишчи ходимлар соғлигини



сақлаш масаласи чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари раҳбарларининг олдида турган энг муҳим муаммоларидан биридир. Республикамизда фаолият кўрсатаётган 200 мингдан ортиқ яқин фермер хўжаликларининг асосий экологик муаммолари - ер, сув ресурслари, ҳаво, фауна ва флорани муҳофаза қилиш ҳисобланади.

Маълумотлар ва материаллар. Мамлакатимиз ҳудудида бугунги кунда 100 мингга яқин чорвачилик фермер хўжаликлари мавжуд бўлиб, уларда 200 минг бошга яқин қорамоллар, шунингдек қўйлар, паррандалар ҳамда бошқа тур хайвонлар кўпайтирилади ва улардан озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда энгил саноат ва тиббиёт учун хом-ашёлар олинади.

Маълумки, хайвонлар томонидан истеъмол қилинган озуқа (ем-хашак) ларнинг бир қисми организмга ҳазм бўлса, қолган қисми аҳлат (гўнг) ва сийдик ҳолатида ташқарига чиқарилади ва натижада бино ичида захарли ва зарарли газларнинг тўпланишига сабаб бўлади. Ушбу газларни бино ичида меъеридан ортиб кетиши хайвонлар учун зарарли ҳисобланади. Бундан ташқари ферма биноси ичидаги карбонад ангидрид (CO_2), азот (N), водород сульфид (H_2S), аммиак (NH_3) газлари бинодан ташқарига чиқиб, атмосфера ҳавосини ҳам бузади. Натижада ҳаво таркибида захарли ва зарарли газларни кўпайишига олиб келади. Бу газлар ишчи ходимлар ва хайвонлар организмга ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Пировардида ишчи ходимларнинг саломатлиги сусаяди, хайвонларнинг эса соғлиги ёмонлашиб, маҳсулдорлиги камаяди ва ҳар хил касалликларга тез чалинади. Бу ҳолат хўжаликка катта иқтисодий зарар еткази.

Бугунги кунда ушбу муаммони ҳал қилиш мақсадида чорвачилик фермер хўжаликларининг раҳбарлари эски биноларни қайта таъмирлашда ва янги фермалар қуришда бино ичида захарли ва зарарли газларни меъерида бўлишини ва уларни атмосфера ҳавосига кўплаб тарқалишини олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишлари зарур. Бунинг учун бинодаги ҳаво алмаштириш (вентиляция) шахталарини қайси шаклда ва қанча миқдорда қуриш зарурлигини ҳисоблаб чиқиш



ва ҳар хил газлар билан зарарланган ҳавони филтёрлаб, кейин ташқи атмосферага чиқарадиган қурилмалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Иккинчи масала бу ҳайвонлар ажратиб чиқарган гўнгни сақлаш ва зарарсизлантириш муаммоси. Ушбу вазифа ҳам фермер хўжаликлари раҳбарларининг олдида турган муҳим топшириқлардан бири ҳисобланади. Бунинг учун асосий бинодан 50-100 метр узоқликда ҳайвонлар гўнги сақланадиган ҳандаклар қуриш зарурдир. Ҳандакларнинг девори темир-бетонли бўлиб, унинг чуқурлиги, эни, узунлиги ва бошқа ўлчамлари фермадаги ҳайвонларнинг бир йилда ажратадиган гўнг миқдоридан келиб чиқиб аниқланади. Ҳандакларда сақланаётган гўнглр 1-2 йил давомида зарарсизлантирилади ва кейин дала майдонларига олиб чиқилиб, маҳаллий ўғит сифатида фойдаланилади. Яхши сақланган ва зарарсизлантирилган гўнг ўсимликларнинг ҳосилдорлигини оширишда асосий манба бўлиб хизмат қилади. Ҳайвонлар ажратиб чиқарган гўнгни ветеринария-санитария ва зоогигиеник талаблари даражасида сақлаш ва зарарсизлантириш ҳар хил юқумли ва юқумсиз касалликларни энг аввало инсонга, қолаверса ҳайвонларга тарқалишини олдини олади.

Чорва фермаларини қуришда фермерлар ветеринария-санитария ва зоогигиеник талабларга риоя қилган ҳолда амалга оширса, улар асосан атроф-муҳитни муҳофаза қилишга, инсонларнинг соғлигини сақлашга ва инсон яшаб, баҳраманд бўлаётган табиатни ҳимоя қилишга ўзларининг бебаҳо ҳиссаларини қўшган бўлади.

Хулоса. Ферма биноларини ветеринария-санитария ва зоогигиеник талабларга риоя қилган ҳолда қуриш қишлоқ хўжалик ҳайвонларидан узоқ йиллар давомида фойдаланишга ва ферма ходимларини соғлом бўлишига олиб келади.

Бино ичидаги азот (N), карбонат ангидрид (CO_2), аммиак (NH_3) ва водород сульфид (H_2S) газларининг меъёрда бўлиши инсон ва ҳайвонлар организмни соғлом бўлишини таъминлайди, инсонларда меҳнат унумдорлигини оширишга ҳайвонларда эса маҳсулдорлигини кўпайишига олиб келади.



Талаб қилинган гўнғхоналар қуриш, гўнғларни сақлаш ва уларни зарарсизлантириш келажакда инсон ва ҳайвонларни ҳар хил касалликлар билан касалланишидан сақлайди.

Яхши сақланган ва зарарсизлантирилган гўнғ деҳқончиликда ўсимликлар ҳосилдорлигини оширади ва улар таркибида кўп миқдорда тўйимли моддаларнинг сақланишига олиб келади.

Кишлоқ хўжалигининг чорвачилик соҳасида ҳам экологик муаммоларни ҳал қилиш табиатни, шунингдек атроф-муҳитни муҳофаза қилишда жуда муҳимдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Лумбунов С.Г., Тохметов Т.М. Молочная продуктивность и обмен веществ у коров при использовании кормление зерно-сенажа// Вестник Бурятский ГСХА им. В.О. Филиппова. 2014 - №1
2. Чикалев А.И. Зоогигиена с основами проектирования животноводческих объектов: учеб. Пособие Изд. «Лань» 2006
3. Kuzibaevich, A. S., &Zulfiqorovich, J. O. (2021). Dependence of Clinical and Morphological Indicators of Blood of Cows on the Seasons. *International Journal of Innovative Analyses and Emerging Technology*, 1(5), 116-120
4. Javkharov, O., Amirov, S., & Abdulsaidov, B. (2021, August). MILK PRODUCTIVITY OF SWISS COW BREED: <https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.1375>. In *RESEARCH SUPPORT CENTER CONFERENCES* (No. 18.06)
5. Zhavkharov O.Z., Sobirov I.A., Yulchiyev T.K., Boboyev B.K. [CHANGES IN THE BEHAVIOR OF COWS IN CONNECTION WITH PASTURE AND LIVESTOCK FARMING CONDITIONS](#) NEUROQUANTOLOGY 11 (eISSN 1303-5150), 2440-2446